

**Ўлкамиз тарихинини ўрганишда меъморчилик ва сайёҳликнинг  
аҳамияти**

**Д.Холмуродов тарих ва уни ўқитиш  
методикаси кафедраси ўқитувчиси**

**Иброхимов Хаёт тарих 102-гуруҳ талабаси**

**Аннотация.** Ушбу мақолада юртимизда жойлашган тарихий обидаларнинг жойлашганлиги туризмни ривожлантириш бўйича саёҳатни амалга ошириш жихатлари очиб берилган. Муаллиф томонидан юртимизда жойлашган археологик ёдгорликлар ва тарихий обидалар ҳақида маълумот берилган.

**Аннотации.** В статье раскрывается расположение исторических памятников в нашей стране, особенности развития туризма. Автор предоставляет информацию об археологических памятниках и исторических памятниках, находящихся в нашей стране.

**Abstracts.** This article reveals the location of historical monuments in our country, the specifics of the development of tourism. The author provides information about the archeological monuments and historical monuments located in our country.

**Калит сўзлар:** Мустақиллик йилларида Хоразм, Арнасой, Маданий ёдгорликлар, Марказий Осиё, Сополлитепа, Дишан қалъа.

**Ключевые слова:** Хорезм, Арнасай, памятники культуры, Средняя Азия, Сополлитепа, крепость Дишан в годы независимости.

**Keywords:** Khorezm, Arnasay, Cultural monuments, Central Asia, Sopollitepa, Dishan fortress during the years of independence.

Ўзбек меъморчилигининг ноёб обидалари аллақачон ҳаққоний равишда жаҳоншумул шуҳратга сазовор бўлган Меъморчилик обидаларининг тарихий

илдизлари археологлар томонидан уюштирилган экспедициялар ёрдамида ер катламларида кўмилиб ётган, икки – уч минг йиллик қадимиятга эга бўлган Ўзбекистондаги кўплаб меъморий иншоотларнинг қолдиқлари очилмоқда. Қадимий шаҳарлардаги архитектура ёдгорликлари ҳозирги даврда ҳам ҳаёт кўйнида тўлақонли “яшамокда” ва сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда. Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларга оид моддий маданий ёдгорликларнинг кўпчилиги ҳали ҳам яхши сақланиб қолган.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Фарғона, Андижон, Қўқон, Термиз, Жиззах, Тошкент шаҳарлари ва вилоят туманларида кўплаб масжид, мадрасалар, хонақоҳ ҳамда дахмалар, қалъалар, миноралар, сардоба, хаммомларни учратиш мумкин.

Қадимги Марказий Осиё сивилизатсияси шаклланган вилоятлар кўп бўлган. Бу ерларнинг ҳарактерли хусусиятини ўтроқ – деҳқон ва чорвадор аҳоли ҳаёти тарзида бизнинг эрамизгача бўлган II минг йилликдаёқ шаҳар номи маданиятининг шаклланишини ташкил қилган. Шимолий Бақтрияда археологлар томонидан бу даврга оид муҳофаа деворлари билан ўралган ва мустахам ички бинолардан иборат бўлган тўғри бурчак шаклидаги Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳлари тўлиқ очиб ўрганилди. Сополлитепанинг ўрганилиши Ўзбекистон ҳудудида суғорма деҳқончилик қарийб тўрт минг ёшга эга эканлигини илк шаҳарлар пайдо бўлиши тарихи ҳам шунча даврни ўз ичига олишини кўрсатади.<sup>1</sup>

Хива Марказий Осиё шаҳарсозлиги дурдоналаридан бирига айланган. Шаҳарнинг мадрасалари масжидлари, саройлари, жамоат иншоотлар орадан кўп асрлар ўтган бўлсада, ўз улуғворлиги, чизиқларнинг нафислиги ва гўзаллиги рангларнинг ёрқинлиги ҳозир ҳам кишиларни ҳайратга солмоқда. Хивадаги Тошҳовли, Хоразм қишлоғидаги Дегаррон мачити, Работи Малик карвон саройи, Ичан қалъа, Кўхна Арк, Саййид Аловуддин сағанаси, Боғбонли масжиди, Пахлавон Махмуд комплекси, Оллоқуллихон мадрасаси, Полвон Дарвоза ансамбили жоме масжиди ва бошқа тарихий обидаларнинг

---

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқи келиб чиқиш тарихи. Тошкент. 2015. 181-182-бетлар.

миноралари, кўкга бўй чўзган сарв – комат устунлари, сирланган рангли ёиштлари, ажойиб шаҳар таассуротини ҳосил қилади.

1842 – йилда Хива теварагидаги янги қалъа даври тикланди. Унинг ўнта дарвозаси бўлиб, аҳолиси зич яшайдиган работларни шаҳар атрофи боғлари ва иморатлари ўзига қўшиб олади. Натижада катта халқа – “Ташқи шаҳар” – Дишан қалъа ичкарида қолган “Ички шаҳар” – Ичан қалъа деб аталади. Ичан қалъа Хиванинг ибодатхонаси ва оддий иншоотлари бўлган анча аввалги давр иморатлари ҳудудини ўз ичига олади. Дишан қалъада асосан ҳунармандлар жойлашган эди. Марказий Осиёда Антик даврда шаҳарлар сон жиҳатидан ортиб майдони кенгайиб, ҳарбий эстеҳкомлар такомиллашиб баъзи давлатмандлар уйлари ва ҳукмдорлар саройлари Хоразмдаги Тупроққалъа, Сурхондарёдаги Холчаён ва Далварзинтепа миқёси, сарамжонлиги характери билан алоҳида ажралиб туради.<sup>1</sup> Қадимги вақтлардаёқ Бактрияда (Далварзинтепа, Бандихон) тўғри бурчакли, қуббали дахмалар, Сирдарёнинг қуйи оқими Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида (Тагисген, Чирчиқрабат) доира шаклидаги Марказий гумбази ва айланма хоналари бўлган дафн иншоотларининг турлари мақбаралар шакллана борди.

Навоий – Кармана шаҳри яқинидаги археологик қазилмалар пайтида топилган мустаҳкам деворли қадимийчасига ярим миноралар ва чиройли пештоқ билан ўралган ганч ўймакорлиги билан қопланган Работи Малик ўзининг меъморчилик шакли билан ҳақиқатан ҳам шоҳона бино ҳисобланади.

XIV асрнинг сўнги чорагида жаҳон тарихининг сиёсий майдонига Соҳибқирон Амир Темурнинг чиқиши давлатнинг ташқи чиройига катта эътибор бериб, масжидлар, мадрасалар, бозорлар, карвонсаройлар, ҳукумат саройлари, турар жойи бинолари қурилиши Мовороуннаҳр шаҳарларига, айниқса пойтахт Самарқанд шаҳрига хорижий мамлакатлар меъморлари келтирилиб, кўп маблағ сарфланди. Маҳаллий меъморчилик манбаига шу сабаб бўлди эрон, Ироқ, Сурия, Озорбайжондан келтирилган янги кучлар ва ижодий ғоялар қуйилиши, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Амир Темур

---

<sup>1</sup> Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т., 1996., 95-бет.

фармони билан Самарқанд ва Шаҳрисабзда, темурийларнинг сулолавий мақбалари – Дарус – Саодат ва Гўри Амир, Оқ сарой ва Бибихоним масжиди ва кўплаб иншоатлар барпо этилди.<sup>1</sup>

XIV – XV асрлар мобайнида Шоҳизинда ансамблининг кўпчилик меъмориал қурилишлари юзага келди. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида шаҳар қурилишининг энг юксак архитектураси орасида Самарқанддаги, Шоҳизинда, Регистон ансамбллари Кўкалдош кичик Мукайто масжиди бинолари қад кўтарган эди. XVI-XVII асрлардаги меъморлар томонидан шаҳар четида жойлашган Бухородаги Чорбакир ва Баҳовуддин, Тошкентдаги Хўжа Аҳрор мақбалари таъмирланишида Даврон Муродов ва бошқа кўплаб, машҳур усталар етишиб чиқди. Бухорода Ситораи Моги Хоса қурилишини Уста Ширин Муродов бошлиқ бўлган гуруҳ ва уста ганчкорлар амалга оширди.

Хоразм меъморчилиқ мактабининг саркардаси Одина Муҳаммад Мурод, уста кулол Нурмуҳаммад, Абдужаббор, унинг ўғли Сўфимуҳаммад Ниёз ва Абдуллалар эди.

Бу даврда Маҳмуд Аъзам ансамбллари барпо этилди. XVIII асрда бутун Марказий Осиёни қамраб олган ижтимоий – иқтисодий таназзул кўплаб фаолиятларининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. Бизнинг кунларгача етиб келган XIX аср охири ва XX аср бошларидаги қурилишлар асосида турар жойлар бинолар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик даври том маънода Ҳазрат Амир Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. Амир Темур мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирди. У тарихимизда улкан марказлашган қудратли давлат ташкил этди. Қудратли мунтазам армияни вужудга келтирди. Жаҳонда мислсиз илмий маданий ва маърифий муҳитни яратди. Кўплаб ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Жаҳон миқёсидаги меъморчилик ишларининг раҳнамосига айланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29-декабрда “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Президентнинг 1996 – йилни “Амир Темур йили деб эълон қилиш тўғрисида”

---

<sup>1</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент. 2015. 180-бет.

ги 1995 – йил декабрдаги фармони Амир Темур қадратини тиклашда муҳим аҳамият касб этади.<sup>1</sup>

Тошкент шаҳрида темурийлар тарихи давлат музейи борйўғи олти ой мобайнида бунёд этилган, меъморий жиҳатдан мураккаб муҳташам иншоат ҳисобланади. Бу аввало бобокалонимизнинг шону – шавкатиға, дунёвий обрў эътиборига ва даҳолиғига муносиб баҳо бўлган иккинчи томондан темурийлар бугунги авлоднинг бунёдгорлик қудратидан нозик диди, бекиёс эстетод ва ҳаётининг чексизлигидан далолат беради. Иншоатнинг умумий майдони беш минг квадрат метрини ташкил этади. Самаранд шаҳрида янги иншоатлар қурилди, боғлар барпо этилди. Шаҳар марказидаги кўркам Амир Темур майдони Самарқанд сайқалиға сайқал кўшди.

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисми унинг азалий урф – одатлари, маросим ва байрамлари ташкил қилади. Халқимизнинг азалий қадрияти, севимли байрами ҳисобланмиш “Наврўз” байрамининг халқимизға қайтариб берилиши, мамлакат тарихида катта воқеа бўлди. Маънавий ҳаётдаги диний байрамлар, ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очилгани маънавий покланишнинг муҳим кўриниши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилган 1991-йил Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги кенг нишонланди. Тошкент шаҳрида улуғ бобомизнинг муҳташам ва пурвиқор ҳайкали ўрнатилди, у халқнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Заҳриддин Бобур ва бошқа кўплаб аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришға улкан ҳисса қўшган алломалар сифатида халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолди. Самарқанд, Бухоро ва Хива бутун инсоният учун зиёратгоҳ маконға айланди. Ўзбекистон ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Оғаҳий, Фурқат, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби улуғ шоир ва маърифатпарварлар кунларини ўтказиш анъанаға айланиб қолди. Мустақиллик йилларида Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов ва бошқа давлат ва жамоат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон тарихи. Т. 1998, 234-бет.

арбоблари юбелейларининг ўтказилиши, маънавий ҳаётдаги муҳим воқеалар бўлди.

Марказий Осиёдаги ўрта асрлар маданиятининг бу юксак парвозига Муғул босқинчиларининг XIII асрдаги босқини жуда катта зарар келтирди. Марказий Осиё, Шарқ бу зулмдан қутилиши учун деярли уч юз йил вақт керак бўлди. Фақат XVI асрдагина Марказий Осиё маъморчилигида жонланиш юз берди. Бухородаги Буёнқулихон, Сайфиддин Бохарзий мақбалари, Самарқанддаги Шоҳизинда дастлабки гуруҳи барпо этилган эди. XIX асрнинг XX аср бошларида Бухоро ва Хива хонлиги меъморчилигига Облоқул ва Иброҳим Хофизовлар, Мўминжон Солиҳов, Ширин Муродовлар муносиб ҳисса қўшдилар.

1960-1980 йилларда собиқ совет тузуми даврида Республикамизда барпо этилган меъморчилик иншоатлари бевосита Ш.Рашидовнинг ташаббуси билан боғлиқ. Жиззахда атоқли ёзувчи ва давлат арбоби Ш.Рашидовнинг 100 йиллик юбилеи Республикамизда кенг нишонланди. Шароф Рашидов ижодига бағишланган давра суҳбатлари, кўплаб чиқишлар уюштирилди. Айниқса 2017 йилда Москвалик Фёдор Раззоқовнинг “Спаси Рашидова”<sup>1</sup> 2019 йилда чоп этилган “Андропов протиб СССР” (“Рашидовга” бағишланган) китоблари халқимиз қалбида катта таассурот уйғотди. Китобда Республикамизнинг барча шаҳарларида бунёд этилган меъморчилик қурилишлар, Навоий, Олмалик, Янгиер каби ўнлаб шаҳарлар завод, фабрикалар, Тошкентдаги Ўрта Осиёда ягона бўлган метрополетиннинг ташкил этилишини таъкидлаб ўтган.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз бой тарихий меросга эга. Қадимий меъморий обидаларимиз, янги замонавий меъморчилигимиз чет эллик сайёҳларнинг юртимизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Жиззах вилояти ташкил топгандан кейин 1974-йили Жиззах вилоят сайёҳлик бюроси иш бошлаган эди. Сангзордаги 50 кишига мўлжалланган

---

<sup>1</sup> Раззоқов Ф.И. “Спаси Рашидова”, Москва. 2017.

<sup>1</sup> Раззоқов Ф.И. “Андропов против СССР”. Москва. 2019.

кемнинг базаси то саксонинчи йиллар ўрталаригача йўловчи сайёҳлар учун хизмат кўрсатиб келди.

1986-йилдан бошлаб Жиззахдаги кемпиннинг турбазага айлантирилди. Дам олувчилар ва саёҳатчилар учун яхши шароитлар яратилди. Кемпингда 60 ўринли чойхона, 50 ўринли видеобар, музқаймоқ сотадиган дўконлар ишга туширилди. Бундан ташқари Россиянинг Челябинск, Свердловск ва Омск каби шаҳарлари билан саёҳатчиларни қабул қилиш юзасидан шартномалар тузилди. Бугунги кунда бўлинма “Ўзбек туризм” миллий компаниясининг Жиззах минтақавий бўлинмасига айлантирилган бўлиб, қўшни вилоятлардан МДХ мамлакатларидан, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия, Покистон, Хитой, Германия, Малайзия каби қатор хорижий давлатлар билан мустақкам алоқа ўрнатилган. 1999-йили “Ҳиссадорлик жамияти” томонидан 1840 нафар чет эллик сайёҳларга 37000 хорижий валютада хизмат кўрсатилиб, соф валюта тушими 690 минг АҚШ долларини ташкил қилди. Қабул қилинган сайёҳлар орасида Россия, Араб Амирликлар, Индонезия, АҚШ, Германия, Туркия ва бошқа давлатларнинг фуқаролари бор эди. Жиззах вилоят ҳокимлигининг 1999 – йил 18-октябрдаги “Ипак йўли бўйича туризм”, 5-Тошкент Халқаро туристик ярмаркасида “Жиззах саёҳат” ҳиссадорлик жамиятининг иштироки ҳақидаги фармойишига мувофиқ, 2001 – йил учун Гретсия, Германия, Франция, Миср, Малайзия, Индонезия, МДХ давлатлари билан 300000 АҚШ доллари ҳажмида ўзаро шартномалар тузилиб, амалга оширилди.<sup>1</sup> Маҳаллий сайёҳлар учун Жиззах Зомин – Бахмал маршрутлари бўйича автобус сайёҳлик қатнови йўлга қўйилди.

Кейинги йилларда Президентимиз Ш.Мирзиёев меъморчиликка, шаҳарсозликка, ободончиликка ва туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги тарихий меъморий ёдгорликлар ободонлаштирилиб халқимиз ва чет эллик сайёҳлар учун зиёратгоҳ масканларга айлантирилди. “Обод маҳалла”, “Обод кишлок” дастури асосида кўплаб тураржойлар ободонлаштирилмоқда.

---

<sup>1</sup> Жиззах вилояти сайёҳлик буйроси материаллари. 2001 йил.

Биргина мисол Тошкент шаҳри ўртасидан ўтган бўз сув дарёсини ичи ва атрофи тозалиниб, қирғоқлари оромгоҳга айлантирилди. Тошкентда маҳобатли “Хилтон” Тошкент Сите меҳмонхонаси қурилди. Меҳмонхона 21 этажли бўлиб, 258 хонадан иборат. 8 таси Президент номери ҳисобланади. Ушбу меҳмонхона жаҳон стандартларига мос равишда қурилган бўлиб, барча талабларга қори даражада жавоб беради. Бундай ободонлаштириш ишлари бутун республикамиз миқёсида кенг қулоқ ёзди. Шунингдек, Наманган шаҳрида Россия иштирокида 9 этажли 250 ўринли меҳмонхона ишга туширилди. 100 та бир хонали, 50 та икки хонали, қолганлари 3-4 хонадан иборат бўлиб, бир ярим минг киши меҳнат қиладиган истироҳат боғи, фавворалар, амфитеатр, 600 ўринли овқатланиш шаҳобчаси мавжуд. Бундай афсонавий иншоатлар Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Яқинда ишга тушишига қарамай фақатгина чет элдан келган туристлардан бир минг бир юз киши дам олган.

Фарғона вилоятининг қир-адирида жойлашган, бетакрор табиати билан ҳар қандай кишини мафтун этувчи “Чимён” сайилгоҳининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, бу ердаги маъданли шифобахш минерал суви Сочидаги “Масеста” сиҳатгоҳи сувидан қолишмас экан. Бу албатта ҳам ички, ҳам ташқи сайёҳларни ўзига жалб этиб келмоқда.<sup>2</sup>

Бўстонлик Тошкент шаҳридан 30 км узоқда денгиз сатҳидан 450 м баландликда жойлашган. У ерда Бўстонлик шифобахш санаторияси бор. Туризм учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Туристлар учун тоғ чанғиси, айниқса Бўстонлик канати бор. Унинг узунлиги 2300 метр бўлиб, унда сайр қилган сайёҳ, табиатининг ажойиб мўжизаларидан баҳраманд бўлади.

“Xorazm palace” мамлакатимиздаги энг нуфузли меҳмонхоналардан бири. Бу ерда жаҳон андозалари доирасида хизмат кўрсатилади. “Xorazm palace” тўрт юлдузли меҳмонхона бўлиб, 148 ўринга эга. Унда 2 та люкс, 37 та ярим люкс, 64 та стандарт хоналарнинг барчасида меҳмонлар учун зарур

---

<sup>2</sup> “Ишонч” газетаси. 2019 йил сентябрь, 56-бет.



шароитлар яратилган.<sup>1</sup> Бундай оромгоҳлар, дам олиш жойлари, кенг манзарали жойлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Жиззах ва бошқа вилоятларнинг деярли барча ҳудудларида барпо этилмоқда. Жиззах вилояти ички ва ташқи сайёҳлар учун энг қулай масканлардан бири ҳисобланади. Зомин тоғларининг табиати, оби-ҳавоси, иқлими, манзараси қишин-ёзин бир хил. Шу сабаб манзарали табиати Швейцариядан қолишмайди. Бу ерга ташриф буюраётган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Худди шунингдек, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш, Айдарқўл ҳудудлари ҳам тобора сайёҳларнинг ўзига жалб этаётган ҳудудларга айланиб бормоқда. Мисол учун Арнасойда 8 минг метр чуқурликдан 40 градус иссиқликда чиқадиган, таркиби Сульфатнатрий шифобахш табиат немати Россиянинг Ижевскийдан чиқадиган минерали билан баробар экан. Шифо учун бу ерга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ошиб бормоқда.

Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳадаги ўзгаришлар жаҳон оммавий ахборотларида кенг ёритилиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонимизни шуҳратини жаҳонга ёймоқда. Юртимизга келаётган сайёҳлар сони ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. 2017 йилда юртимизга 1,5 млн сайёҳ келган бўлса, 2018 йилда 3 млн.дан ошган, 2019 йили 6 млн.дан ошиб кетди. 12. 2023 йилга бориб юртимизга сайёҳларнинг келиши 10 млн.га етиши кутилмоқда.

Шундай қилиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлартуфайли мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди. Мустақиллик йилларида қадимий меъморий обидаларимиз таъмирланаб, ўз кўркига эга бўлди. Фақатгина, Самарқанд шаҳридаги Регистон, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда мажмуаси каби обидаларимиз қайта таъмирланиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг доимий қадамжосига айланган. Шаҳарларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгармоқда. Кўп қаватли замонавий бинолар, уч қаватли кўприкли йўллар, турар жой массивлар, сиҳатгоҳлар, кўнгил очар дам олиш масканлари барпо этилди. Бундай

---

<sup>1</sup> “Ишонч”, 2019 йил сентябр, 45-бет.

Ўзгаришлар ўз навбатида, чет эл сайёҳларининг юртимизга бўлган қизиқишларини тобора ортишига сабаб бўлмоқда.

### **Foydalanilgan manbalar**

**1.** Holmurodov, D. (2020). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК. *Архив Научных Публикаций JSPI.*